

ИСЛОМ ҚАДРИЯТЛАРИДА ШАХС МАСЪУЛИЯТИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Мамадалиева Феруза Асроровна

*Тошкент давлат аграр университети ўқитувчиси, фалсафа доктори
(PhD)*

Исломий қадриятлар нафақат кишилардаги маънавий – ахлоқий тарбия, балки аجدодларимиз маданий меросини чуқур ўрганишда муҳим ўринни эгаллайди. Шу жиҳатдан қараганда Исломий қадриятлар кенг қамровли фалсафий тушунчадир. Бу қадриятлар таркибига энг аввало мусулмонлар тарихида чуқур из қолдирган барча буюк алломаларимизнинг ўлмас асарларини киритиш мумкин. “Дин ўз мазмун моҳияти билан азалджан жамият тараққиётига, кишиларнинг тафаккурига ва маънавиятига, шу жамиятга хизмат қиладиган маънавий комил инсонларни тарбиялашдек шарафли ишга хизмат қилиб келган”[1: 4].

Ислом динининг бошқа динлардан фарқли жиҳати шундаки, у аввало инсониятнинг ажралмас қисми бўлган руҳий ва моддий талабларига ўртача адолат билан қараганлигидадир. Ислом динининг яқунловчи дин экани, яъни шу билан инсониятга йўл кўрсатувчи махсус пайғамбарлар бошқа келмаслиги, бизнингча, энди инсоният қиёмат бошланишини кутиб ўзи хоҳлаганича яшаши кераклигини асло

билдирмайди. Аксинча, эндиликда тўғри йўлни топиш унинг зиммасида эканини кўришимиз мумкин.

Миллатларнинг ўз – ўзини англаш жараёни такомиллашган сари унинг кадриятларга бўлган муносабати ҳам мустаҳкамланиб бораверади. Ўзбек миллатини ислом кадриятларидан маҳрум қилишга уриниш тарих ва инсоният олдидаги энг катта хатоликдир. Айрим тадқиқотчилар “ислом ахлоқий ғоя” атамасининг “ижтимоий ғояга” жуда яқин эканлигини кўрсатадилар[2: 7].

Исломий кадриятларни эъзозланиши зинҳор диний мутаасибликка, худбинликка, манманликка олиб келмаслиги керак. Шунинг учун ҳам бу масалада хушёрлик, назокат, инсоф, диёнат, бағрикенглик талаб қилинади. Зотан, исломий кадриятларнинг ўзи айни пайтда минтақавий ёки умуминсоний ахлоқий кадриятларнинг узвий қисми сифатида намоён бўлади.

Ислом кадриятларнинг мусулмон инсон ва ислом жамиятидаги ўрни беқиёсдир. Уларни авайлаб асраш ва муҳофаза қилиш – барчамизнинг бурчимиздир. Конституциямизда “Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир”. (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.Т., 2019. 18-б) Ислом дини кадриятларига ҳурмат билан қараш миллатнинг ўзига ҳурмат билан қарашнинг асосий бўғинидир. Минг йиллар давомида шаклланган исломий кадриятларимиз ҳозирги даврда яратилган маданий- маънавий бойликлар билан қўшилиб

тараққиётимизни тезлатади, ғоявий ва маънавий покланишни таъминлашга кўмаклашади. Исломий қадриятлар жамият ҳаётида катта ижтимоий- сиёсий, фалсафий, тарбиявий аҳамиятга эга. Улар ўтмиш билан ҳозирги кун ўртасидаги ворисийликни ифодалайди, шу туфайли миллатнинг тарихи, унинг ўтмиши, маданияти ва маънавий ҳаёти гавдаланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир сиёсий тузум, ҳар бир давлат қадриятлардан ўз мақсадлари, манфаатлари йўлида фойдаланиб келинган ва ҳозир ҳам шундай бўлмоқда. Ислом қадриятлар инсоннинг маънавий қиёфаси, турмуш тарзиг, умуман жамият тараққиётини бутлай белгилаб олмайди. Ушбу қадриятларнинг аҳволи, аҳамияти, инсонга кўрсатаётган таъсири, унинг истиқболи у ёки бу жамиятдаги ижтимоий тузум томонидан олиб борилаётган сиёсат, унинг манфаатлари билан узвий боғлангандир. Масалан: ўзбек халқи ҳаётида исломий қадриятларнинг турли даврларда турлича ўрин тутганлиги, айниқса, мустақиллик йилларида бу қадриятларнинг том маънода қадр топганлиги билан исботлашимиз мумкин.

Ёшларни исломий қадриятлар асосида тарбиялашдан мақсад уларда юксак масъулият туйғуларини шакллантириш ва такомиллаштиришдан иборат. Чунончи, маънавиятшунос олим, профессор М. Имомназаров “Масъулият” тушунчасига қуйидагича таъриф беради: “ Маъсулият – шахс маънавиятининг муҳим таркибий жиҳати, ўзи англаб етган ва тўғри деб билган Борлиқ ҳақиқатига амалда садоқат сақлаш, ҳар бир хатти-ҳаракатининг оқибатини ўйлаб қадам қўйиш. Инсон эркин иродаси билан ўзини дунёдаги барча

мавжудот учун масъул деб билса ва ҳар бир қадамини қўйишда ана шу масъулиятни ҳис қилиб турса, айна шу шахс ҳақиқий маънавият соҳибидир”[3: 406].

Исломий қадриятлар тизимида шахс масъулияти иймон, ахлоқ, бурч ва ижтимоий фаолликда намоён бўлади. Имон – исломий қадриятларда Аллоҳга, унинг фаришталарига, муқаддас китобларига, пайғамбарларга, охиратга, тақдирга ҳамда қайта тирилишга бўлган катъий ишончни мустаҳкамлигини ифода этади. Зеро, имон, ахлоқ, бурч ва масъулият ижтимоий ҳодиса бўлиб, барча яратилган махлуқотлар орасида инсонга хос хусусиятдир. Чунки Аллоҳ инсон зотини барча мавжудотлар орасида азиз ва муқаррам қилиб яратди. Ислом таълимотининг асосини ҳам имон ташкил этади. Аллоҳга қалбан ишонган ва Аллоҳ буюрган диний таълимотга амал қилганлар имонли, эътиқодли дея баҳоланади. Исломий қадриятлар тизимида шахс масъулияти доирасида имон ва инсоний бурч муҳим саналади. Инсон ҳаёт фалсафасини англаган сари абадият борлигини бир кун келиб қайта тирилиш муқаррарлигини, инсон барча амаллари учун албатта жавоб муқаррар эканлигини ҳис этиб боради. Бундай одамнинг дастури аниқ, мақсадларида инсофлилик ва инсонийлик фазилатлари акс этиб туради. Имонли одам ўзининг бандалик бурчларини шу даражада англаб етадики, Аллоҳга ёқмайдиган иш қилиб қўйишдан бир умр кўрқиб яшайди. Бу кўрқиш заифлик эмас, аксинча, юксалиш белгисидир, минг қийинчиликлар билан эгаллаган маънавий мулкани йўқотиб қўйишдан кўрқиш туйғусидир. Имон шарофати дил-дилдан

туйган одам ҳаргиз ортга чекинмайди. Имонли одам бу ҳалим, ҳақиқатпараст, инсофли, силаи раҳмли, сабрли, шукурли, сахий, илмли ва меҳнаткаш одамдир.

Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғатида имонга шундай таъриф берилган: “Имон (арабча. ишонч) – 1) Худога бўлган ишонч – эътиқод; кўнгилда ишониш ва тилда иқрор бўлиш; 2) Умуман, ишонч; 3) муайян фикр, олий ғоянинг ҳақиқатлигига комил ишониш, шу ишончни эътиқодга айлантириш. Имон инсон онги ва руҳиятига сингган, ундан мустаҳкам ўрин олган дунёқараш сифатида қудратли ҳаракатлантирувчи куч, инсон иродасини мустаҳкамлаш воситасидир. Имон туфайли одам руҳи эзгулик сари интилади. Имон эътиқодга айлангандагина ҳаракатлантируви моддий ҳамда руҳий куч сифатида намоён бўлади. Умуминсоний ахлоқий қадриятлар – сўз билан иш (амал), тил ва дил бирлиги, инсоф, диёнат, ҳалоллик- поклик, виждонлилик, садоқат, муҳаббат, ватанпарварлик, шунингдек, оила, жамият, халқ ва бутун инсоният олдидаги бурчни англаш каби фазилатлар Имонлилик шартлари ҳисобланади. Имон ишончга нисбатан чуқур фалсафий мазмунга эга. У дунёқараш ва эътиқод билан узвий боғлиқ бўлгани сабабли алоҳида нодир руҳий ҳолат сифатида намоён бўлади. Қуръони Каримда имонли инсонларнинг белгилари қуйидагича тавсифланади: улар мўмин, ҳалим, итоаткор, сўзи билан амали бир, поклик ва ҳалолликка интилувчи, ўз ваъдалари ва шартномаларига риоя этувчи, ибодатига амал қилувчи ва шунинг учун жаннат ворислари бўлган кишилардир”[4: 94].

Имон уч нарсанинг бутунлигидан ҳосил бўлади: Эътиқод, иқрор ва амал. Эътиқод чин дилдан ишониш, иқрор –сўзда буни тан олиш, Амал – ишончни яхши ишлар билан исботлаш. Алишер Навоийнинг “ Маҳбуб ул - қулуб ” асарида қуйидаги сатрларни ўқиймиз: “ Вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ. Ҳар кимда бу икки йўқ – иймон йўқ ва ҳар кимда иймон йўқ – андин одамийлик келмак имкони йўқ”[5: 114].

Демак, ҳазрати Навоий айтганидек, имонсиз кимса одам эмасдир. Ўзини ҳақиқий инсон деб билган кишида иймон бўлади. Ҳақиқий инсон эса иймон - эътиқодсиз яшай олмайди.

Кайковуснинг Қобуснома асарида имонли бўлмоқ ҳақида шундай жумлалар келтирилган: “Эй фарзанд, Худони таниғил, ҳамиша они ибодатин пеша қилғил. Эй фарзанд, ондин (Аллоҳдан) ўзга барча нимарсани танидинг, аммо ҳар вақтким ўзингни танисанг, Они танурсан” [6: 26].

Демак, Кайковус айтмоқчики, инсон ҳамма нарсани билса-ю, ўзини ким эканлигини яъни ўзининг инсонийлик моҳиятини билмаса, у Аллоҳни ҳам англамайди ва унда имон ҳам бўлмайди. Агар инсон ўзлигини таниса, бундай инсон Аллоҳни ҳам таниган бўлади. Аллоҳни таниган киши эса бу иймонли инсондир. Дарҳақиқат, имон бақувватлиги инсонларга ҳам жисман ва ҳам руҳан покликни сақлаш имконини беради. Руҳий поклик эса исломий қадриятларимизнинг моҳиятини белгилайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Уватов У. Иймон Нури. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б. 4.
2. Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. Т. , 2004
3. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз асослари. -Тошкент: “Ўзбекистон файласуфлари миллий, жамияти” 2006, –Б. 406.
4. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Тошкент: Гафур Гулом нашриёти - 2016. –Б.94.
5. Алишер Навоий. Махбуб ул-кулуб. (Нашрга тайёрловчи А.Н.Кононов). Москва-Ленинград, 1948, Б.114.
6. Кайковус. Қобуснома. Тошкент: Ўқитувчи нашриёти . 2015.-Б. 26

<https://doi.org/10.34920/uzxdmk/2022/045>

САМУЭЛ ХАНТИНГТОННИНГ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР ПАРАДИГМАСИНИ РИВОЖЛАНИШ МУАММОСИ ҲАҚИДАГИ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

Қурбонназаров Азизбек

*ЎзМУ, “Ижтимоий фанлар” факультети “Фалсафа ва
мантиқ” кафедраси 2 -курс магистри*

Маскур жараёнлар оқибатида нафақат дунёнинг сиёсий манзараси ўзгарди шунингдек сайёрамизнинг турли чеккалари-турфа минтақаларда ва мамлакатларда истиқомат қилувчи, хилма-хил стандарт ва кадриятлар асосида кун кечирадиган одамлар ўртасида